Наша ДНК как компании, выпускающей товары широкого потребления, нацелена на того индивидуального покупателя, который голосует «за» или «против». Именно о нем мы думаем. По нашему мнению, именно мы отвечаем за полное удовлетворение запросов пользователя. И если он недоволен, то это наша вина — ясно и просто.

Мы считаем, что клиенты умны и хотят получать такие объекты, которые хорошо продуманы.

Помнить о том, что ты умрешь, — лучший из известных мне способов избежать западни, в которую ведет мысль о том, что тебе есть что терять. Ты уже голый. Ничто не мешает тебе следовать зову сердца.

Муваффақиятли тадбиркорларни омадсизларидан ажратиб турадиган фарқнинг ярми шунчаки қатъиятдир.

Агар улар муваффақиятсизликка учраши мумкин бўлса, бу уларни ижодкор бўлишдан тўхтатмайди. Дилан ва Пикассо ҳар доим муваффақиятсизликка учраган.

Леонардо да Винчи буюк рассом ва таниқли олим эди. Микеланжело тош конида тошга қандай қилиб жило бериш ҳақида ақл бовар қилмайдиган даражада кўп нарса билар эди. Мен билган энг ажойиб ўнта компьютерчининг ҳаммаси асли мусиқачилар эди.

Я уверен, что половина того, чем успешные предприниматели отличаются от неудачников, — это просто упорство.

Если они идут на риск провала, то от этого не перестают быть художниками. Дилан и Пикассо всегда шли на риск провала.

Леонардо да Винчи был великим художником и выдающимся ученым. Микеланджело знал невероятно много о том, как надо вырезать камень в каменоломне. Все десять прекраснейших компьютерщиков, которых я знаю, — музыканты.

Мен қадам-бақадам ривожанишга жуда жуда яхши муносабатдаман ва ўзим ҳам ҳаётимда кўпинча шунга амал қилганман. Бироқ мени кўпроқ инқилобий ўзгаришлар кўпроқ ўзига жалб қилган. Сабабини айта олмайман. Чунки улар хавф туғдиради. Улар аксарият ҳолларда ҳиссий босимларни талаб қилади. Охир-оқибатда, барча: "Бу тўлиқ муваффақиятсизлик", — деб айтадиган даврни, албатта, бошдан кечирасиз.

Бизда бунчалик кўп ишларни бажариш имконияти йўқ ва ҳар бир одам, ҳақиқатан ҳам, беназир бўлиши керак. Бу бизнинг ҳаётимиз. Ҳаёт қисқа, кейин сиз ўласиз... Ва бу барчамизнинг ҳаётимизда юз беради. Майли, у ёқимли бўлса ҳам. Майли, у бебаҳо бўлса ҳам.

*"Fortune"*

Я очень уважительно отношусь к постепенному улучшению, и я не раз занимался этим в своей жизни, однако меня всегда больше привлекали революционные изменения. Не могу сказать почему. Потому что они даются труднее. Они требуют намного большего эмоционального напряжения. И ты неизменно проходишь через период, когда все говорят, что это полный провал.

У нас нет возможности сделать столько вещей, и каждому нужно быть реально непревзойденным. Потому что это наша жизнь. Жизнь коротка, а потом ты умираешь... И мы все делаем это в своей жизни. Так пусть оно будет хорошим. Так пусть оно будет стоящим.

— *Fortune*

Биз компьютерлар ва инсонпарварлик бирлашган жойда бўлишни хоҳлаймиз.

Нима учун мусиқа? Хўш, мусиқани яхши кўрамиз ҳамда ўзингиз ёқтирган нарсани яратиш ҳар доим ҳам яхши.

*"Биринчи "iPod" тақдимоти — 2001-йил*

Биз "Mac"нинг жуда кўп нусхада тарқалишини ҳисобга олган эдик. Аммо буни бошқалар учун яратмадик. Буни ўзимиз учун яратдик.

Мы хотим находиться в месте пересечения компьютеров и гуманизма.

Почему музыка? Ну, мы любим музыку, а делать то, что ты любишь, всегда хорошо.

*— Представление первого iPod, 2001 г.*

Мы рассчитывали на то, что Мас разойдется в огромных количествах, но мы делали его не для кого-нибудь. Мы делали его для себя.

Биз ҳали-ҳанузгача қутимизда жимгина ўтирибмиз. Биз қутимизни яхши кўрамиз. [...] Мен олдингидай кўп вақтимни янги компьютерлар устида ишлашга сарфлайман ва улар доимо "Apple" учун асосий иш бўлиб қолаверади. Бироқ бизнинг биринчи даражали ишимиз мижознинг талабларини қондиришдир ва биз интернетдан янада тўлиқроқ фойдаланиш туфайли бу қутининг чекловларидан озод бўламиз.

*"Fortune" — 2000-йил.*

Мы все еще сидим в ящике по уши. Мы обожаем ящик. [...] Я по-прежнему уделяю много времени работе над новыми компьютерами, и они всегда будут главным делом для Apple. Однако нашей первостепенной заботой является удовлетворение запросов пользователей, и мы выходим за пределы ящика за счет более полного использования Интернета.

— *Fortune, 2000 г.*

Бизнинг ўсиш жараёнимизда содир бўлиши мумкин бўлган энг ёмони шуки, дунёда бироз кўпроқ обрў-эътиборга эга бўлиш илинжида асосий қадриятларимизнинг ўзгариши ҳамда уларга менсимай қарашдир. Мен бунга йўл қўя олмайман. Ундан кўра кетганим яхши. Биз ҳали ҳам ўша пайтдаги қадриятлар билан биргамиз.

*Компания "Gizmodo"га эргашиши кераклиги тўғрисида. "All Things Digital" конференцияси — 2010-йил.*

Мен "Apple"га қайтдим, чунки бизнинг соҳа комага тушиб қолганди. Бу менга Америка автомобилларининг ғилдиракли қайиқларга ўхшаб қолган 1970-йилларни ёдга солди.

Самое плохое, что могло случиться в процессе нашего роста, — это изменение наших ключевых ценностей и пренебрежение ими ради приобретения чуть большего влияния в мире. Я не могу допустить этого. Я скорее уйду. У нас все те же ценности, что и тогда.

*— О том, должна ли компания следовать за Gizmodo, конференция All Things Digital, 2010 г.*

Я вернулся в Apple потому, что наша отрасль впала в кому. Это напомнило мне Детройт в 1970-е годы, когда американские автомобили походили на лодки на колесах.

Ўйлайманки, менда яна бешта ажойиб маҳсулот бор.

*"Esquire" — 1986-йил.*

Бу ерда ҳозир бўлганларнинг барчаси шу дақиқалар келажакни белгилайдиган онлардан бири эканлигини тушунишади.

Одамлар ўзингиз қилаётган ишни астойдил севишингиз кераклигини айтишади ва бу айни ҳақиқат. Чунки бу шу қадар қийин ишки, ҳар қандай ақлли одам — агар иштиёқи бўлмаса — бу ишни ташлаб кетган бўларди.

*"All Things Digital D5" конференцияси — 2007-йил.*

Думаю, что во мне сидят еще пять грандиозных продуктов.

*— Esquire, 1986 г.*

Все присутствующие здесь понимают, что сейчас как раз один из тех моментов, которые определяют будущее.

Люди говорят, что вы должны страстно любить то, что делаете, и это истинная правда. А причина в том, что это настолько трудно, что без страсти любой разумный человек бросил бы это дело.

*— Конференция All Things Digital D5, 2007 г.*

Ишончим комилки, муваффақиятли тадбиркорларни омадсизларидан ажратиб турадиган фарқнинг ярми шунчаки қатъиятдир. Бу жуда ҳам мураккаб жараён. Сиз ҳаётингизнинг жуда катта қисмини мана шу нарсага сарфлайсиз.

*"Computerworld Smithsonian Awards" мукофотини топшириш маросимидаги нутқидан — 1995-йил.*

Шуғулланмоқчи бўлган касбингизни ҳар томонлама синчковлик билан танлашингиз керак. Ўзингизга ёқадиган ва танлашга касбни топганингиздан кейин қайсидир маънода бу ҳақида унутиб, фақатгина ишлашингиз керак. Иштиёқ эса табиий ҳолатда пайдо бўлади.

*"Fortune" — 1998-йил.*

Я уверен, что половина того, чем успешные предприниматели отличаются от неудачников, — это просто упорство. Это так трудно. Вы вкладываете такую большую часть жизни в эту вещь.

*— На вручении премии Computerworld Smithsonian Awards, 1995 г.*

Вы должны очень тщательно выбирать, чем будете заниматься. После того как вы определите то, что вам действительно небезразлично, и это стоящая вещь, вы можете в определенном смысле забыть об этом и просто работать. Увлеченность приходит естественным образом.

*— Fortune, 1998 г.*

Биз ўзимиз қилаётган ишимизнинг ташаббускорларимиз.

Бу интернет-стартапларни тушуниш қийин: уларнинг мақсади, ҳақиқатан ҳам, компания яратишми ёки бу бор-йўғи пул ишлашми? Шундай бўлса ҳам, айтишим мумкин: “Агар улар, ҳақиқатан ҳам, компания яратишни мақсад қилиб қўймаган бўлсалар, демак, буни қила олишмайди. Буни тушунтириш қийин: иштиёқ ва мақсад бўлмаса, ишни ташлаб кетасиз.

*"Fortune" — 2000-йил.*

Мы просто энтузиасты того, что делаем.

В случае этих интернет-стартапов трудно понять, действительно ли они хотят создать компанию или просто жаждут денег. Впрочем, я могу сказать: «Если они не намерены реально создавать компанию, то они и не способны сделать этого. Причина в том, что это очень трудно, и без страсти вы бросаете дело».

— *Fortune, 2000 г.*

# МЕРОС ҲАҚИДА

# О НАСЛЕДИИ

Бу тарихга мусиқа саноатидаги туб бурилиш нуқтаси сифатида киради. Бу — муҳим бир давр. Буни баҳолаб бўлмайди!

*"iPod" ва "iTunesc" мусиқа дўкони ҳақида, "Fortune" — 2003-йил.*

"Pixar" асрларга татигулик санъат асарини яратмоқда. Болалар яқин келажакда "Ўйинчоқлар тарихи"ни томоша қиладилар. "Apple" эса, асосан, маҳсулотларни яхшилаш узлуксиз пойгаларда асосий образ сифатида иштирок этади ва доимо рақобатчиларидан олдинда юради.

*"TIME" — 1999-йил.*

Это войдет в историю как поворотный пункт в музыкальной индустрии. Это — веха. Ее нельзя переоценить!

*— Об iPod и музыкальном магазине iTunes, Fortune, 2003 г.*

Pixar создает произведения искусства на века. Дети будут смотреть «Историю игрушек» и в грядущие времена. А Apple главным образом участвует в непрерывной гонке за улучшением вещей и идет впереди конкурентов.

*— TIME, 1999 г.*

Қабристоннинг энг бой кишиси бўлиш — бу мен учун эмас... Имконият — уйқуга кетишдан олдин қандай ажойиб нарсалар ятганимизни айта олишдир... Мен учун муҳими — мана шу.

*"The Wall Street Journal" — 1993-йил.*

Ҳар бир йил муаммолар, ютуқлар, янги билимлар ва шунчаки таассуротларга жуда бойки, бу "Apple" учун бутун бир умр маъносига тенг.

"Pixar" — технологик жиҳатдан энг илғор ва ижодкор компания, "Apple" эса энг ижодкорлик жиҳатдан энг илғор, технологик компания.

*"Fortune" — 2005-йил.*

Быть самым богатым на кладбище — это не для меня... Возможность, отходя ко сну, сказать, что мы сделали нечто потрясающее. — вот что важно для меня.

*— The Wall Street Journal, 1993 г.*

Каждый год настолько богат проблемами, достижениями, новыми познаниями и просто впечатлениями, что в Apple он равен целой жизни.

Pixar — самая технологически передовая креативная компания; Apple — самая креативная передовая технологическая компания.

*— Fortune, 2005 г.*

Қилаётган ишимизни яхши кўришимнинг сабаби мана: биз сизни доимо ҳайратга соладиган қурилмаларни яратамиз.

*"All Things Digital Сонференсе" — 2007-йил.*

Шундай вақтлар бўлганки, биз бу ҳақда фақат орзу қилганмиз. Энди эса барчасини қила оляпмиз. Бу жуда ажойиб.

*"Apple" Worldwide Development Conference" конференциясидаги очилиш нутқи — 2004-йил*

Буюмлар муҳим бўлиши учун дунёни ўзгартириши шарт эмас.

*"Wired" — 2006-йил.*

Вот почему я люблю то, что мы делаем, — мы делаем эти инструменты, и они постоянно удивляют нас.

*— Конференция All Things Digital, 2007 г.*

Были времена, когда мы лишь мечтали об этом. Теперь мы делаем это. Это грандиозно.

*— Программное выступление, конференция Apple Worldwide Development Conference, 2004 г.*

Чтобы вещи были важными, им необязательно менять мир.

*— Wired, 2006 г.*

Йўқ, бу қаерга олиб боришини билмаймиз. Биз фақат шуни биламиз, бу ерда биздан ҳам аҳамиятлироқ нимадир бор.

“Apple”, ҳақиқтан ҳам, бошқа дўмбирани чалади. Қачонлардир мен шундай дегандим: “Apple” бу бизнеснинг “Sony”си бўлиши керак”. Лекин, аслини, бундай дейишим керак эди: “Apple” бизнесда аслидай бўлиши, яъни “Apple” бўлиши керак.

*"BusinessWeek" — 1998-йил.*

Ҳеч биримизнинг ва ҳеч қачон қилмаган хатоларимиз туфайли бизни айблашса ҳам, маҳсулотларимиз учун ўз жавобгарлигимизни тан оламиз.

*Маҳсулотларни "App Store" дўконидан қайтариб олиш фаолиятида "Apple"нинг сиёсати тўғрисида, "All Things Digital D8" конференциясидаги интервью.*

Нет, мы не знаем, куда это приведет. Мы просто знаем, что есть нечто намного более значимое, чем любой из нас здесь.

Apple на деле играет на другом барабане. Когда-то я говорил, что Apple должна стать Sony в этом бизнесе, но в действительности, я полагаю, Apple должна быть Apple в этом бизнесе.

*— BusinessWeek, 1998 г.*

Мы признаем свою ответственность, когда нас обвиняют в ошибках, поскольку никто и никогда не делал этого.

*— О политике Apple в отношении возврата товара в магазинах App Store, интервью на конференции All Things Digital D8*

"Apple" компаниясининг нархи 30 миллиард, лекин муҳим маҳсулотларимиз тури 30 дан кам. Бундай муваффақиятга илгари кимдир эришганми-йўқми — билмайман.

Агар одамлардан компьютерлар ҳақида қизиқиб сўрасангиз, улар: "Компьютерлар ниҳоятда мураккаблашиб кетган, орт томонидан уланадиган симлари кўп, катта ва шовқинли, хунук ва интернетга кириш учун кўп вақт кетади", — деб жавоб беришади. Биз эса ушбу муаммоларни "iMac" каби маҳсулотлар билан ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдамиз.

*"CNA" — 1999-йил.*

Компания Apple стоит $30 млрд, и при этом у нас меньше 30 важнейших продуктов. Не знаю, удавалось ли такое кому-нибудь раньше.

Если вы поинтересуетесь у людей, что не так с компьютерами сегодня, они ответят, что те стали слишком сложными, сзади у них куча проводов, они слишком большие и шумные, они уродливы и требуют вечности, чтобы выйти в Интернет. А мы стараемся решить эти проблемы с помощью продуктов вроде iMac.

*— CNA, 1999 г.*

“Мас”ни сотиб олиш ва унга эга қилишдан олган хурсандчилигим мен учун, эҳтимол, бошқа ҳар қандай машҳур маҳсулотдан афзалроқдир.

*“CNBC” телеканали — 2006-йил.*

“NeXT” компьютерини яратиш учун бизга уч йил вақт керак бўлди. Агар биз мижозлардан уларнинг орзуларидаги компьютер қандай бўлиши кераклигини сўраб ва айнан шу пайтдан бошлаб улар хоҳлагандай компьютерни бир йил ичида яратиб, уларга таклиф этсак бўлар эди. Лекин бу компьютер улар бугун хоҳлаган компьютер бўлмас эди.

Айнан шу инновациялар, айнан шундай лойиҳалар, худди шу истеъдодлар “Microsoft” монополияга эга бўлмаган жойда қўлланилади ва бинго! Бозорнинг 75 фоизига бизда.

*“iPod”нинг муваффақияти тўғрисида.*

Удовлетворенность покупкой и владением Mac, пожалуй, наибольшая по сравнению с любым другим известным мне продуктом.

*— Телеканал CNBC — 2006 г.*

Чтобы создать компьютер NeXT, нам потребовалось три года. Если бы мы предлагали покупателям то, что, по их словам, они хотят, то сделали бы компьютер их мечты за год с момента разговора с ними, но это было бы совсем не то, что они хотят сегодня.

Эти же инновации, эти же разработки, эти же таланты, примененные там, где у Microsoft нет этой монополии, и — бац! У нас 75% рынка.

*— Об успехе iPod.*

Мен: “Одамлар бошқалар ёқтирадиган ёки ёқтирмайдиган ишларни қилганликлари учун алоҳида мажбуриятга эга”, — деб ўйламайман. Менимча, иш ўзи ҳақида ўзи гапиради.

*“Смитсон” институти — 1995-йил.*

“Apple”нинг бозордаги улуши “BMW”, “Mercedes” ёки “Porsch”нинг автомобил бозоридаги улушидан кўпроқ. Бу “BMW” ёки “Mercedes” бўлишнинг ёмон эканлигини англатадими?

Мендан “Apple” мижозлари садоқатининг сабаби нимада эканлиги ҳақида тез-тез сўрашади. Бунинг сабаб фақатгина уларнинг “Mac”га қойил қолганликлари эмас, албатта! Бу эса ўта кулгили.

Не думаю, что люди имеют особые обязанности просто потому, что делают то, что другим нравится или не нравится. Я считаю, что работа говорит сама за себя.

*— Смитсоновский институт, 1995 г.*

Рыночная доля Apple больше, чем у BMW, Mercedes или Porsche на автомобильном рынке. Разве от этого плохо быть BMW или Mercedes?

Меня часто спрашивают, в чем причина лояльности клиентов Apple. Вовсе не в том, что они поклоняются Mac! Это смешно.

Мен қилаётган ишларимдан ғурурланганим каби қилмаётган ишларимдан ҳам фахрланаман.

*"BusinessWeek"*

Аксарият одамлар автомат коробка механизми қандай ишлашини билмайди, бироқ улар автомобилни қандай бошқаришни биладилар. Сиз автомобилни бошқаришингиз учун физикани ўрганишингиз ва ҳаракат қонунларини билишингиз шарт эмас. Сиз "Macintosh"дан фойдаланиш учун ҳам буннинг ҳаммасини тушунишингиз шарт эмас.

Шу кунларда биз кунига беш миллиондан ортиқ кўшиқ сотмоқдамиз. Бу ажабланарли эмасми? Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир куннинг ҳар соатидаги ҳар сониясида 58 та қўшиқ.

Я горжусь тем, что мы не делаем, точно так же, как и тем, что мы делаем.

— *BusinessWeek*

Большинство людей понятия не имеют, как работает автоматическая коробка передач, однако они знают, как управлять автомобилем. Вам не нужно изучать физику и понимать законы движения, чтобы управлять автомобилем. Вам не нужно понимать всего этого, чтобы пользоваться Macintosh.

Теперь мы продаем больше пяти миллионов песен в день. Разве это не удивительно? Иначе говоря, 58 песен каждую секунду каждой минуты каждого часа каждого дня.

Келинг, стилусдан воз кечайлик. Биз туғилганимиздан буён дунёдаги энг яхши "стилус" — бармоқлардан фойдаланяпмиз-ку. Булар битта эмас, ўнта. Бармоқларимизни ишлатамиз. Бармоқларимиз билан тегинамиз. Биз мультитач деб номланган янгича сенсорли ноанъанавий технологияни ихтиро қилдик! Бу худди сеҳрли бармоқ каби ишлайди.

Пикассо шундай деган: "Яхши рассомлар нусха кўчирадилар, буюк рассомлар эса ўғирлайдилар". Биз ҳар доим виждонсизларча ажойиб ғояларни ўғирлаганмиз... Менимча, "Macintosh" баъзи маълум жиҳатлари билан жуда ажойиб, чунки бунинг устида, нафақат компьютерларнинг энг зўр мутахассислари, балки мусиқачилар, шоирлар, рассомлар, зоологлар ва тарихчилар ишладилар.

*"Интервью" — 1994-йил.*

Так давайте откажемся от стилуса. Будем пользоваться самым лучшим указателем в мире. Будем пользоваться указателем, который есть у всех нас с рождения, да не один, а целых десять. Будем пользоваться пальцами. Будем дотрагиваться до этого пальцами. Мы изобрели новую технологию, которая называется мультитач, и она необыкновенна! Она работает как волшебная палочка.

Пикассо сказал: «Хорошие художники копируют, великие художники — крадут». Мы всегда бессовестно крали великие идеи... Я думаю, Macintosh в определенной мере получился таким замечательным потому, что люди, работавшие над ним, были музыкантами, поэтами, художниками, зоологами и историками, а не только лучшими компьютерщиками в мире.

*— Интервью, 1994 г.*

Ҳеч бир нарса менинг кунимни Буюк Британиянинг қаеридандир эндигина "iPad" сотиб олганлиги ва бу сотиб олган нарсалари ичида энг ажойиби эканлигини ёзиб юборган одамнинг электрон хабарини олганимдагидек ёрқин қила олмайди. Ман, мени руҳлантирувчи нарсалар.

"Apple" йилига ўндан ортиқ — агар барча майда маҳсулотларни ҳам ҳисобга олсак, юздан ортиқ — турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. "Pixar" йилига битта тур маҳсулотларни яратишни мақсад қилган. Лекин "Pixar" маҳсулотлари эллик йил ўтгандан кейин ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмайди. "Apple"нинг мана шу йил чиқарилган маҳсулотларидан яқин эллик йил ичида фойдаланишингиз даргумон.

*"TIME" — 1999-йил*

Ничто не делает мой день более полным, чем электронное письмо от кого-нибудь во вселенной, кто только что купил iPad где-нибудь в Великобритании и хочет рассказать о том, что это самая потрясная вещь, которую он когда-либо покупал. Вот что поддерживает меня.

Apple выпускает много продуктов — десяток в год; а если посчитать все мелочи, то, пожалуй, и целую сотню. Pixar стремится выпускать один в год. Но если взглянуть с другой стороны, то продукты Pixar будут интересны и полсотни лет спустя, а продукты Apple, выпущенные в этом году, вы вряд ли будете использовать в течение следующих пятидесяти лет.

*— TIME, 1999 г.*

Жон Скулли “Apple” компаниясини вайрон қилди ва бу “Apple” раҳбариятига ўзининг ахлоқсиз қадриятларини мажбурлаб ўтказганлиги туфайли юз берди У баъзи раҳбарларни ўзининг айтганига кўндирди. Кўнмаганларни компанияни тарк этишга мажбур қилди ҳамда уларнинг ўрнига ахлоқсиз одамларни жалб қилди. Улар ўн миллионлаб долларни ажойиб компьютерларни яратувчи “Apple”нинг ривожланишига эмас, шахсий обрўлари, фаровонлиги учун сарфладилар.

*“Computerworld Smithsonian Awards” мукофотини топшириш маросимидаги нутқидан — 1995-йил.*

Биз барча операцион тизимларни текшириб таҳлил қилдик ва ўзимиздан: “Буни қандай қилиб бирданига ҳам соддалаштириш, кучлироқ қилиш мумкин?” —деб сўрадик.

Джон Скалли разрушил Apple, и сделал он это, навязав руководству Apple безнравственные ценности. Он развратил некоторых руководителей, вынудил уйти тех, кто оказался неподкупным, и привлек вместо них развращенных. Они выплачивали себе десятки миллионов долларов и заботились о собственном прославлении и благосостоянии, а не о строительстве Apple, которая делала превосходные компьютеры для людей.

*— На вручении премии Computerworld Smithsonian Awards, 1995 г.*

Мы проанализировали операционную систему, посмотрели на все и спросили себя, как можно упростить это и одновременно сделать мощнее.

Экрандаги тугмачаларни шу даражада чиройли қилдикки, сиз шунчаки уларни босиб кўришни хоҳлаб қоласиз.

*"Fortune" — 2000-йил.*

Босиш. Шарқ-шурқ. Ҳаяжон!

*Дастурдан фойдаланиш,*
*"Macworld" — 2006-йил.*

Менинг дўстларим кам эмас эди. Аммо "Macintosh"ни намойиш этган куни еттинчи осмонида эдим.

*"Esquire" — 1986-йил.*

Мы сделали клавиши на экране такими красивыми, что вы просто захотите поколотить по ним.

*— Fortune, 2000 г.*

Клик. Бац. Потрясно!

*— Программное обращение, Macworld, 2006 г.*

У меня было немало подруг. Но на седьмом небе я побывал в тот день моей жизни, когда мы представили Macintosh.

*— Esquire, 1986 г.*

# ҲАЁТ ҲАҚИДА

# О ЖИЗНИ

Мен Суқрот билан ўтказадиган бир оқшом учун барча технологияларимни берар эдим.

*"Newsweek" — 2001-йил*

Сизнинг вақтингиз чекланган, шунинг учун уни бошқаларнинг фикри билан яшашга сарфламанг... Бошқалар фикрининг шовқини сизнинг ички овозингизни ўчиришига йўл қўйманг. Энг муҳими, қалбингизга ва туйғунгизга эргашишдан қўрқманг. Булар сизнинг аслида ким бўлишни хоҳлаётганингизни айтиб беришади.

*Стенфорд университетида дипломларни топшириш маросимидаги нутқидан — 2005-йил.*

Я бы отдал все свои технологии за один вечер с Сократом.

— *Newsweek, 2001 г.*

Ваше время ограничено, поэтому не тратьте его на попытки жить чужой жизнью... Не позволяйте шуму чужих мнений заглушить ваш внутренний голос. А самое главное, не бойтесь следовать за порывами сердца и интуицией. Они подскажут, кем вы действительно хотите стать.

— *Выступление на церемонии вручения дипломов в Стэнфордском университете, 2005 г.*

Денгиз қароқчиси бўлиш денгиз флотида хизмат қилишдан кўра қизиқроқ.

*Жон Скуллининг таржимаи ҳоли, "Одиссея: "Pepsi"дан "Apple"га" — 1982-йил.*

Қаҳрамонларига қараб инсон ҳақида кўп нарса гапириш мумкин.

*"BusinessWeek" — 2004-йил.*

... Кимки ўзининг дунёни ўзгартира олиш қобилиятига телбаларча ишонса, фақат ўша, ҳақиқатан ҳам, дунёни ўзгартира олади.

*"Бошқача ўйланг". "Apple" ТВ рекламаролигидан — 1997-йил.*

Быть пиратом интереснее, чем служить на флоте.

*— Автобиография Джона Скалли «Одиссея: из Pepsi в Apple», 1982 г.*

О человеке можно многое сказать, глядя на его героев.

*— BusinessWeek, 2004 г.*

...Лишь те, кто настолько безумен, что верят в свою способность изменить мир, реально меняют его.

*— «Думай иначе», рекламный ролик Apple, 1997 г.*

Мен ўзим билган таниқли одамлар ичида бир йил ичида чорак миллиард доллар йўқотган ягона одамман... Бу жуда чиниқтирди.

*Оуен Линзмаер. "Apple" компанияси мутлақо махфийлигининг 2.0. даражаси ҳақида. Дунёнинг энг ёрқин компанияси тарихидаги ажойиб фактлар" — 2004-йил.*

Баъзан ҳаёт сизнинг бошингизга ғишт билан уради. Умидсизликка тушманг.

Отам мен учун қандай бўлган бўлса, мен ҳам фарзандларимга шундай яхши ота бўлишга ҳаракат қиламан. Мен бу ҳақида ҳар куни ўйлайман.

*Фарзандларини тарбиялаш тўғрисида. "The New York Times" — 1997-йил.*

Я — единственный из известных мне людей, кто потерял четверть миллиарда долларов за один год... Это очень закаляет.

*— Оуэн Линзмайер. «О компании Apple совершенно секретно 2.0. Наиболее красноречивые факты из истории самой колоритной компании в мире», 2004 г.*

Иногда жизнь бьет вас по голове кирпичом. Не отчаивайтесь.

Просто стараюсь быть для них таким же хорошим отцом, каким мой отец был для меня. Я думаю об этом каждый день.

*— О воспитании своих детей, The New York Times, 1997 г.*

Мен келганим учунгина эллик сент оламан... Яна эллик сентни ишимнинг натижасига кўра оламан.

*Ўзининг 1 долларлик миқдоридаги йиллик маоши ҳақида. "Apple" акциядорлари йиғилишидаги нутқидан — 2007-йил*

Қалбингизга эргашишга халақит берадиган ҳеч нарса йўқ.

Шуни умид қиламанки, Парвардигор қаршисига чиққан пайтимда истеъдодимдан бир томчи ҳам қолмайди ва Унга хотиржамлик берган ҳамма неъматларини ишлатиб бўлганимни айта оламан.

Я получаю полсотни центов за то, что прихожу... и еще полсотни центов за результаты деятельности.

*— О его годовой зарплате в размере $1, собрание акционеров Apple, 2007 г.*

Нет ничего, что мешает вам следовать за своим сердцем.

Когда я предстану перед Господом в конце жизни, надеюсь, у меня не останется ни капли таланта, и я смогу сказать, что использовал все, что он дал мне.

Мен 23 ёшимда бир миллион доллардан, 24 ёшимда ўн миллион доллардан, 25 ёшимда эса юз миллион доллардан кўп пулга эга бўлганман. Буларнинг мен учун аҳамияти йўқ эди, чунки мен ҳеч қачон пул учун меҳнат қилмаганман.

*"Triumph of the Nerds". "PBS" телеканалининг ҳужжатли фильмидан — 1996-йил.*

Ишингизни машҳур қилишнинг ягона усули — уни астойдил ёқтириб бажаришдир. Агар ҳали ҳам бундай иш топмаган бўлсангиз, излашни тўхтатманг. Хотиржамликка берилманг. Табиийки, уни топсангиз, қалбингиздан ҳис қиласиз.

*Стенфорд университетида дипломларни топшириш маросимидаги нутқидан — 2005-йил.*

Я стоил больше миллиона долларов, когда мне было 23, больше десяти миллионов, когда мне было 24, и больше сотни миллионов, когда мне было 25, но не имело значения, поскольку я никогда не работал ради денег.

*— Документальный фильм канала PBS, Triumph of the Nerds, 1996 г.*

Единственный способ сделать выдающуюся работу — любить то, чем занимаешься. Если вы пока не нашли такого дела, не прекращайте поисков. Не успокаивайтесь. Как и со всем, что касается сердца, вы почувствуете, когда найдете его.

*— Выступление на церемонии вручения дипломов в Стэнфордском университете, 2005 г.*

Мен учун ҳаётдаги аксарият нарсалар “Боб Дилан” ёки “Битлз”нинг қўшиқлари кабидир.

*“All Things Digital D5” конференцияси.*

Мен одамларнинг олийжаноблиги ва ҳалоллигига ишонадиган даражада оптимистман ва баъзи одамларнинг шундай фазилатларни, ҳақиқатан ҳам, инкор этиб бўлмайди. Шунингдек, инсонларни якка шахс сифатида оптимистик кўраман. Одамлар табиатан алоҳида шахс сифатида яхши хулқ-атворга эга бўлишади. Одамлар гуруҳларига нисбатан эса анча пессимистик қарашларига эгаман.

*“Wired” —1996-йил.*

Для меня большинство вещей в жизни — это как песня Боба Дилана или Битлза.

*— Конференция All Things Digital D5*

Я оптимист в том смысле, что верю в благородство и честность людей, и некоторым из них в этом действительно не откажешь. Я очень оптимистичен в отношении индивидуумов. По отдельности люди в своей основе хорошие. Я смотрю более пессимистично на группы людей.

*— Wired, 1996 г.*

Бу бошимдан ўтказганларнмдан келиб чиққан аниқ-равшан ҳақиқат. Мен ҳаётни севишимни англадим. Бу, ҳақиқатан ҳам, шундай. Бу ҳаётда менинг энг яхши оилам ҳамда севимли ишим бор. Мен деярли барча вақтимни шуларга бағишлайман. Одамлар билан камдан кам мулоқот қиламан ва конференцияларга бормайман. Мен ўз оиламни севаман, менга “Apple”ни бошқариш ёқади ва “Pixar”ни сидқидилдан яхши кўраман. Менда мана шулар бор. Мен жуда бахтлиман.

*Саратон касаллиги билан яшаш тўғрисида. "BusinessWeek" — 2004-йил.*

Это одна из тех вещей, которые с предельной ясностью вытекают из всего прожитого. Я понял, что люблю жизнь. Это действительно так. У меня лучшая семья в мире, и у меня есть моя работа. Я посвящаю этому почти все время. Я мало с кем общаюсь и не хожу на конференции. Я люблю свою семью, мне нравится управлять Apple, я обожаю Pixar. У меня это есть. Мне очень повезло.

— *О жизни с диагнозом «рак», BusinessWeek, 2004 г.*

Нуқталарни олдинга қараб бирлаштириб бўлмайди; улар фақат орқага қараганингизда бирлаштириш мумкин. Шунинг учун келажакда бу нуқталарнинг бирлашишига ишонишингиз керак. Албатта, бирор нарсага — ўз ироданагизнинг кучига, тақдирга, ҳаётга, — нима бўлишидан қатъий назар, ишонишингиз шарт. Айнан мана шу ишонч ҳаётдан кўнглим қолишига йўл қўймади. Айнан мана шу ишонч ҳаётимни ажойиб кўринишга келтирди.

*Стенфорд университетида дипломларни топшириш маросимидаги нутқидан — 2005-йил.*

Нельзя соединить точки, глядя вперед; их можно соединить только тогда, когда оглядываешься назад. Поэтому нужно верить в то, что эти точки как-то соединятся в будущем. Нужно обязательно верить во что-то — в свою силу воли, в судьбу, в жизнь, в карму, все равно во что. Именно это не позволяло мне разочароваться, именно это сделало мою жизнь такой, какая она есть.

*— Выступление на церемонии вручения дипломов в Стэнфордском университете, 2005 г.*

Қизиқувчанлигим ва ҳиссиётим туфайли мен дуч келган нарсаларнинг аксарияти кейинчалик бебаҳо бўлиб чиқди.

Тенг имкониятлар менга, энг аввало, мукаммал таълимни англатади.

Менга қанча умр берилганлиги ҳақида кўп ўйламайман. Мен шунчаки эрталаб тураман ва янги кунни бошлайман.

Кечаги кун ҳақида ўйла, эртанги кун ҳақида орзу қил, лекин бугунги кун билан яша.

Многое из того, на что я наталкивался в результате любопытства и интуиции, позднее оказывалось бесценным.

Равные возможности для меня означают прежде всего превосходное образование.

Я не слишком задумываюсь о том, сколько мне отпущено. Я просто встаю утром и начинаю новый день.

Думай о вчерашнем дне, мечтай о завтрашнем, но живи сегодняшним.

Кечирасиз-у, лекин бу ҳақиқат. Фарзандли бўлиш, ҳақиқатан ҳам, бошқа нарсаларга бўлган муносабатингизни ўзгартиради. Биз туғиламиз, қисқа вақт яшаймиз ва ўламиз. Ҳодисаларнинг бундай қонунияти азалдан мавжуд. Умуман олганда, технология бунга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

*"Wired" — 1996-йил.*

Мен ўшанда бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эдим, аммо кейинчалик маълум бўлдики, "Apple"дан бўшатилишим мен билан содир бўлиши мумкин бўлган энг яхши воқеа экан. Муваффақиятли бўлишнинг оғирлиги олдинда нима кутаётганлиги номаълум бўлган енгиллик билан алмаштирилди. Бу эса ҳаётимнинг энг ижодий босқичларидан бирига киришимга имкон берди.

*Стенфорд университетида дипломларни топшириш маросимидаги нутқидан — 2005-йил.*

Мне жаль, но это правда. Дети действительно меняют ваше представление об этом. Мы рождаемся, живем короткий миг и умираем. Такой порядок вещей существует давным-давно. Технологии не слишком влияют на него, если вообще влияют.

*— Wired, 1996 г.*

Я не видел этого тогда, но, как оказалось, увольнение из Apple стало лучшим из всего, что могло случиться со мной. На смену обремененности преуспевающего человека пришла свобода новичка, не уверенного ни в чем. Это позволило мне вступить в один из самых творческих периодов жизни.

*— Выступление на церемонии вручения дипломов в Стэнфордском университете, 2005 г.*

Менимча, барчамизда мавжуд бўлган энг қимматбаҳо ресурслардан бири — бўш вақтдир.

*"ABC News" телеканали — 2005-йил.*

Мен ҳар доим "Apple" билан алоқа бўламан.

*"Playboy" — 1985-йил.*

Хулоса шуки, мен бойлик орттириш учун "Apple"га қайтиб келмаганман. Мен ҳаётда жуда омадли эдим ва бунга аллақачон эришиб бўлганман. 25 ёшга тўлганимда менинг бойлигим тахминан 100 миллион долларни ташкил этган эди. Бу бойлик ҳаётимни вайрон қилишига йўл қўймасликка қарор қилдим. Буни, албатта, сарфлаб тугатиб бўлмасди. Мен: "Бойлик — менинг ақл-идрокимнинг намоён бўлиши", — деб ҳисобламайман.

Я считаю, что одним из самых ценных ресурсов, которые есть у всех нас, является свободное время.

*— Телеканал ABC News, 2005 г.*

Я всегда буду связанным с Apple.

*— Playboy, 1985 г.*

В итоге я не вернулся в Apple, чтобы сделать состояние. Мне очень повезло в жизни, и оно у меня уже было. Когда мне исполнилось 25, мой капитал составлял порядка $100 млн. Я решил, что не позволю ему разрушить мою жизнь. Его и так невозможно было истратить, и я не считал, что богатство является эдаким манифестом моего интеллекта.

Биласизми, пул билан боғлиқ масалалар мени кулдиради, чунки бу масалалар мен билан содир бўлган энг жиддий ёки жуда аҳамиятли нарса бўлиши даргумон.

*"Playboy" — 1985-йил*

Кўп жиҳатдан дунёдаги энг яхши жой бўлган мамлакатимизда баъзи муносабатларда содир бўлаётган воқеалар мени жуда хавотирга солмоқда. Биз ватанимизни болаларимиз учун яхши жойга айлантиришга жуда интилаётганга ўхшамаяпмиз.

*"Wired" — 1996-йил*

Знаете, этот денежный вопрос меня забавляет, все это внимание к нему, просто потому, что это вряд ли самая глубокая или значимая вещь, которая произошла со мной.

— *Playboy, 1985 г.*

Меня чрезвычайно заботит то, что происходит в нашей стране, которая, во многих отношениях, является лучшим местом в мире. Похоже, мы не слишком стремимся к тому, чтобы сделать нашу страну лучшим местом для наших детей.

— *Wired, 1996 г.*

Мен ўзимни бизнесмен сифатида кўрмайман, гарчи ўзим тадбиркор эканлигимни тан олсам ҳам. Ўзимни кўпинча ажойиб нарсалар яратадиган одам сифатида кўраман. Менга ажойиб нарсаларни яратиш ёқади. Мен одамлар учун фойдали қурилмаларни тайёрлашни яхши кўраман.

*"Esquire" — 1986-йил.*

Мен ўзимни худди гўёки кимдир қорнимга мушт туширгани ва нафасим тиқилиб қолгандай ҳис этаман. Атиги 30 ёшдаман ва буюмлар яратишни давом эттириш имкониятига эга бўлишни истайман. Энг камида яна битта ажойиб компьютер имкониятим борлигини биламан. “Apple” эса мени бу имкониятимни амалга оширишдан маҳрум қилмоқда.

*"Playboy" — 1987-йил.*

Я идентифицирую себя не как бизнесмена, хотя, признаю, что являюсь им. Я представляю себя больше как человека, который создает замечательные вещи. Мне нравится создавать замечательные вещи. Мне нравится делать инструменты, полезные для людей.

*— Esquire, 1986 г.*

У меня такое чувство, будто мне дали под дых и у меня перехватило дыхание. Мне всего 30 лет, я хочу иметь возможность и дальше создавать вещи. Я знаю, что во мне сидит как минимум еще один потрясающий компьютер. А Apple лишает меня шанса реализовать его.

*— Playboy, 1987 г.*

Ҳар доим шундай дер эдим: “Агар кун келиб, мен ўз вазифамни бажара олмасам ва “Apple” компаниясининг бош директори сифатида кутилган натижаларга жавоб бера олмасам, уни биринчи бўлиб тан оламан”. Афсуски, ўша кун келди.

*“Apple” ходимларига мурожаати — 2011-йил.*

Ҳеч ким ўлишни хоҳламайди. Ҳатто жаннатга боришни истаганлар ҳам у ерда бўлиш учун ўлишга шошилмайдилар. Ўлим — бу ҳаммамиз борадиган сўнгги макон. Ҳеч кимга ҳалигача ундан қочиб қутулиш насиб этмаган. Айнан шундай бўлиши керак, чунки ўлим ҳаётнинг энг яхши ихтиросидир.

*Стенфорд университетида дипломларни топшириш маросимидаги нутқидан — 2005-йил.*

Я всегда заявлял, что если наступит день, когда я не смогу выполнять свои обязанности и отвечать ожиданиям как генеральный директор Apple, то первым признаю это. Как ни печально, но такой день пришел.

*— Обращение к работникам Apple, 2011 г.*

Никто не хочет умирать. Даже те, кто хочет попасть в рай, не спешат умирать, чтобы оказаться там. И все же смерть — это конец, к которому все мы придем. Никому еще не удалось избежать его. Именно так и должно быть, поскольку Смерть, похоже, лучшее изобретение Жизни.

*— Выступление на церемонии вручения дипломов в Стэнфордском университете, 2005 г.*

Ва яна бир нарса ҳақида...

*"Apple" тақдимотларининг охирида янги маҳсулот эълонлари учун одатда ишлатиладиган ибора.*

"Ер сайёраси фотосуратларининг каталоги"ни эслайсизми? Сўнгги нашрда муқовада Орегон штатидаги қишлоқларида учрайдиган йўллардан бирининг фотосурати келтирилган. Бу жуда ажойиб фотосурат эди ва унинг тепа қисмидаги ёзув эса менга жуда ёқди. Унда шундай дейилган эди: "Орзумандлигингизча қолинг. Бепарволигингизча қолинг". Бу реклама эмас, балки Стюарт Бренднинг теран мазмунли жумлаларидан бири эди. Унда донолик бор: "Орзумандлигингизча қолинг. Бепарволигингизча қолинг".

*"Fortune" — 1998-йил.*

И еще об одном...

*— Выражение, часто используемое для объявлений о новых продуктах в конце презентаций Apple.*

Помните «Каталог снимков Земли»? В последнем издании на обложке красовалась фотография одной из сельских дорог, которые встречаются в Орегоне. Это был отличный снимок, а надпись над ним понравилась мне. Она гласила: «О. Оставайтесь безрассудными». Это была не реклама, а просто одно из глубоких высказываний Стюарта Бранда. В нем заключается мудрость. «Оставайтесь жаждущими. Оставайтесь безрассудными».

*— Fortune, 1998 г.*

*Бизнес психологияси*

**СТИВ ЖОБС**

# СТИВ ЖОБС
# бизнес ҳақида

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ОДАМНИНГ 250 ТА МУЛОҲАЗАСИ

**Таржимон:**
**МАТЁҚУБОВ** Эргашбой

**Бош муҳаррир:**
**БЎРИЕВ** Фахриддин

**Нашрга тайёрловчи**
**РАХМАТОВ** Жавохир

**Мусаҳҳиҳ:**
**АБДУЛАЕВА** Хусния

**Компьютерда саҳифаловчи:**
**КАРИМОВ** Жонибек

**Дизайнер:**
**ВОХИДОВ** Ферузбек

**Лицензия рақами AI № 274. 15.07.2015. да берилган**

Босишга 14.06.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 84/108. 1/32.
Босма тобоғи 16. Шартли босма тобоғи 19
Гарнитура "Times New Roman" офсет қоғози.
Адади 1 000 нусха. Буюртма № 12.
Баҳоси келишилган нархда.

***"BOOK MEDIA PLUS"*** Хусусий корхонасида тайёрланди.
Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 28 А.

44000

# Стив Жобс бизнес ҳақида

## ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ОДАМНИНГ 250 ТА МУЛОҲАЗАСИ

Сизнинг вақтингиз чекланган, шунинг учун уни бошқаларнинг фикри билан яшашга сарфламанг... Бошқалар фикрининг шовқини сизнинг ички овозингизни ўчиришига йўл қўйманг. Энг муҳими, қалбингизга ва туйғунгизга эргашишдан қўрқманг. Булар сизнинг аслида ким бўлишни хоҳлаётганингизни айтиб беришади.

*Стенфорд университетида дипломларини топшириш маросимидаги нутқидан — 2005-йил.*

ISBN 978-9943-7318-1-3

9 789943 731813